2014 йил 29 декабрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 250 (12.811)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2015 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ КУНИНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 2 январь жума куни дам олиш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 132-моддасига асосан техник ишлаб чиқариш ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ҳолатларда ишлашга йўл қўйилсин.

Бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 26 декабрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда эълон қилинди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, ташкил этиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий мувофиқ равишда очиқ ва ошкора амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу марказ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу куни Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг 26 декабридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда «Ўзбекистан Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 26 декабрь*

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Янги йил байрами

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ ЖОЙЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.***




Ҳар йили Янги йил арафасида «Президент арчаси» шодиёналари кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтказилаётгани бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин ифодасидир. Болажонларнинг энг севимли байрамига айланган ушбу тантаналарда давлатимиз раҳбарининг ўқув анжомлари, турли ширинликлардан иборат совғалари кичкинтойлар учун унутилмас тухфадир.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан ушбу байрамни юксак савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилди. Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, «SOS – болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун Президент совғалари тайёрланиб, жойларга етказилди.

Совғалар жорий йилнинг 29 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ташкил этиладиган «Президент арчаси» байрам тадбирларида тантанали равишда топширилади.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудидаги мактабгача таълим масканлари, умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, болалар кутубхоналари, ахборот-ресурс марказларида, маданият ва санъат масканларида Янги йил байрами кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Ушбу тадбирларда ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, юрт тинчлиги ва осойишталиги, яратилган шароит ва имкониятларнинг қадрига етишга ундовчи бадиий-мусиқий дастурлар, викториналар, кўрик-танловлар ўтказилиб, уларда ҳар бир ўғил-қизнинг фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқиши, зукколиги, намунали хулқи билан бошқаларга ибрат бўлаётган болажонларга бадиий китоблардан иборат совғалар топширилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданият ва санъатимизни равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жабҳаларда эришган ютуқларимизни жаҳонга намоён этишдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда.***

2014 йил — Соғлом бола йили

## ИСТЕЪДОД ВА ИЗЛАНИШ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимизнинг «Истиқлол» саройида 26 декабрь куни маданият, санъат, спорт, телевидение, радио каби соҳаларда бўлиб ўтган «Эътироф – 2014» миллий мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, мусиқа ва рақс, тасвирий санъат соҳаси фидойилари, кенг жамоатчилик вакиллари, устоз-мураббийлар, талабалар таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий ўзликни англаш, ўғил-қизларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самараларини бермоқда. Мустақиллик йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, бадиий ижод, спорт, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида пухта ўйланган мукаммал тизим яратилди. Жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берувчи маданият ва санъат, илм-маърифат масканлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, соғломлаштириш мажмуалари, театр бинолари ёшларни эзгу фазилатлар соҳиби этиб вояга етказиш, уларда она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ғояларини мустаҳкам қарор топтириш имконини бермоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларнинг бадиий диди ва тафаккурини юксалтириш, истеъдод ва қобилиятини кашф этишнинг янги уфқларини очиб берди.

2014 йил ҳам мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам маданият саройлари, янги-янги истироҳат боғлари, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактаблари қуриб фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 22 январдаги Қарорига мувофиқ жорий йилда Ўзбек Миллий академик драма театрининг қутлуғ 100 йиллиги кенг нишонланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

***Япониянинг Ибараки префектурасида жойлашган Мито шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мазкур шаҳар маъмурияти, жамоатчилик ва маданий доираларининг вакиллари иштирок этдилар.***

Тақдимот доирасида шаҳарнинг марказий концертлар залида «Silk Road Ensemble» япон ансамбли аъзоларининг маданий дастури намойиш этилди. Улар томонидан ижро этилган «Тановор», «Муножот», «Фарғона рубоийси», «Кўнгил таронаси», «Андижонча», «Бухоро гўзали», «Фарғона тонги», «Лазги» ва бошқа ўзбек миллий рақслари тақдимот қатнашчиларининг гулдурос олқишларига сазовор бўлди.

Япон рақкосалари ўзбек халқ миллий либосларини кийган ҳолда ўз санъатларини тақдим этишгани маҳаллий томошабинлар ҳамда санъат намояндаларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Чунки улар асрлардан асрларга ўтиб келаётган ўзбек рақс анъаналари ва миллатнинг ички дунёси ҳақида тасаввур уйғотадиган гўзалликдан баҳраманд бўлишган эди. Шунингдек, маросимнинг қатор иштирокчилари ўзбек халқ мусиқачилиги жанрлар ранг-баранглиги ҳамда инсон қалбига, унинг руҳиятига ўзгача таъсир кўрсатиши билан ажралиб туришини қайд этдилар.

Тақдимот меҳмони **Хироми Юкки** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ушбу тадбирдан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, тақдим этилган маданий дастурдан олам-олам завқ олганини айтди.

— Бу мен учун ўзига хос кашфиёт бўлди, — деди у. — Ўзбек миллий санъати намуналарининг бугунги намойиши префектурамизда катта муваффақият қозонди, деб ўйлайман.

Мен Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман. Мамлакатингизда жуда меҳмондўст ва меҳнатсевар халқ яшаётганини, у ўзининг бой тарихий-маданий меросини кўз қорачиғидай авайлаб-асраб келаётганидан хабарим бор. Ушбу тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти ва санъати марказларидан бири эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Шаҳримизда бўлиб ўтган бу тадбир ҳам халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Яқинлашиб келаётган Янги йилни муносиб ва кўтаринки руҳда кутиб олиш, аҳолининг байрам дастурхони янада тўкин бўлишини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Навоий вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бош бошқармасидан маълум қилишларича, барча туман ва шаҳарларда ташкил этилган Янги йил байрами ярмаркалари 2015 йилнинг 5 январига қадар давом этади.**

**• Шимолий-ғарбий ҳарбий округида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Марказий банки, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар, иш берувчилар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда касаба фаоллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгашида вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ташкил этилган «Мунозара» тўгараклари тренерлари учун ўқув амалий семинар ташкил этилди. Тадбир сўнгида фаол қатнашган иштирокчилар ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Италиянинг жанубий қисмида жойлашган Калабрия минтақасида 4,4 магнитудали зилзила содир бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг сейсмологлар яна 3,3 ва 2,3 магнитудали ер қимирлашларини қайд этдилар. Зилзила натижасида вайронагарчиликлар юзага келмаган.**

**• Хитойдан 8 мамлакат ҳудуди орқали Испанияга етиб келган юк поезди энг узун йўналиш номини олиб, тарих саҳифаларида қоладиган бўлди. Ушбу поезд 21 кунда Хитой, Қозоғистон, Россия, Белоруссия, Польша, Германия, Франция ва Испания давлатлари ҳудудлари бўйлаб 13 минг 52 километр масофани босиб ўтди.**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

# ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР АРМИЯМИЗ ЖАНГОВАРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***2014 йилда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетини дастлабки ҳарбий шифокорлар битирди.***

Яқин-яқинларга қадар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун тиббий хизмат офицерларини тайёрлайдиган бундай ўқув муассасаси йўқ эди. Шунинг учун олий тиббиёт ўқув юртлари битирувчилари ҳарбий шифокор бўлиб ишларди. Фуқаро ва ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш жараёнида сезиларли фарқ бор. Негаки, ҳарбий шифокорлик ўзига хос хусусиятларга эга. Тиббий хизмат офицерлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида 2012 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Факультет бошлиғи, тиббий хизмат подполковниги Жаҳонгир Собировнинг сўзларига кўра, ушбу факультет Қуролли Кучлар учун тиббий хизмат офицерларини тайёрлайдиган мамлакатимиздаги ягона ўқув муассасасидир. Ушбу факультет 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий кафедрасини қайта ўзгартириш йўли билан ташкил этилди.

Юқори интеллектуал салоҳиятли, ўз Ватанига чексиз садоқатли, қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир юқори малакали тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш факультетнинг асосий вазифаларидир.

Факультет курсантларининг интеллектуал салоҳияти ва уларни ўқитиш даражасининг юқорилигини баҳолаш учун факультет кафедралари, ўқув ва маъруза хоналарини кўриш, мавжуд адабиёт ва ўқув материаллари билан танишишнинг ўзи кифоя. Факультетнинг беш кафедрасида ҳарбий шифокорлик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўқитилмоқда. Курсантлар дарс давомида қўшинларни тиббий таъминлаш, ҳарбий-дала жарроҳлиги ва терапиясини ташкил этиш, гигиена ва эпидемиология, токсикология ва радиология, турли жанговар заҳарли моддалар билан зарарланганда тиббий ҳимоя ва даволаш усуллари бўйича билим олмоқда. Бундан ташқари, курсантлар ҳарбий фанларни пухта ўрганиб, жисмоний тайёргарлигини ҳам такомиллаштирмоқда.

Факультетда таълим жараёни замонавий педагогик услубларга асосланган бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Бўлажак шифокорларнинг касб маҳоратини оширишга ёрдам берадиган турли кўргазмали қўлланмалар, макет ва тренажёрлар ҳам эътиборга лойиқ. Бундай ўқув материаллари факультетнинг ҳарбий-дала жарроҳлиги кафедрасида ўқитишнинг муҳим қисмини ташкил этади.

– Ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги ва ҳаёти бизнинг фаолиятимизга боғлиқ эканини яхши англаймиз, – дейди факультет курсанти Зариф Акбаров. – Шу боис биз, бўлғуси ҳарбий шифокорлар сифатида ўз ишимизга катта масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетининг ташкил этилиши миллий армиямизнинг жанговар қобилиятини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Бу ерда яратилган тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш тизими мамлакатимизнинг барча ҳарбий қисмларини юқори малакали ва пухта тайёргарликка эга ҳарбий шифокорлар билан таъминлаш имконини беради.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент шаҳридаги Инха университетида мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компаниялар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.***

# ТАЪЛИМ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САНОАТИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Университет ректори Ш.Шерматов мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар барча йўналишлар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг Инха университети филиалининг очилиши бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ иш бошлаган ушбу янги олий ўқув юртида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароит яратилган. Бугунги кунда талабалар компьютер ва дастурий инжиниринг йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.

Тадбирда университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан юқори технологиялар соҳасидаги халқаро таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастури тақдим этилди.

– Ўқув дастурини ишлаб чиқишда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг бугунги ривожланиш даражаси инобатга олинди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳридаги Инха университетининг биринчи проректори Парк Се Гун. – Мақсадимиз юқори технологиялар саноатининг барча соҳаларида меҳнат қиладиган мутахассисларни тайёрлашдир. Университетимизга ўқишга кирган талабаларнинг билим даражаси юқори бўлиб, улар тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Талабаларимиз университетни битирганидан сўнг билим ва қобилиятини амалиётда самарали қўллашига ишонамиз.

Учрашувда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, ахборот технологиялари саноати компаниялари вакиллари юқори технологиялар бозори талаблари инобатга олинган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Инха университети ўқув дастурига қандай янги йўналиш ва фанлар киритилиши мумкинлиги ҳақида ўз таклифларини билдирди. Шунингдек, университет ва соҳа компаниялари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

**Бобур ОБИДОВ**

# ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**«Silk Road Ensemble» маданий жамоасининг аъзоси Такеучи Аико** мамлакатимиз маданияти ва санъатига катта қизиқиш билан қарашини маълум қилар экан, бунинг сабаби ўзбек халқи маданиятининг ноёб ва бетакрорлиги билан изоҳланишини айтди.

— Халқ анъаналаридаги, фольклор, мусиқа ва рақслар, тасвирий ҳамда халқ амалий санъати ва миллий либослардаги ранг-баранглик бу фикримни тасдиқлайди, — деди у. — Бизга маълумки, ўзбек рақсларида ўз мужассамини топган гўзаллик қадим замонлардан буён авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Улар ҳаракатларнинг ўзига хослиги ва жуда нафислиги билан мени мафтун этган эди.

2009 – 2010 йиллари республиканинг турли ҳудудларидаги рақс кўникмаларини ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистонга борган эдим. Шунга ишонч ҳосил қилдимки, ранг-баранглиги ва бошқа халқларникига сира ўхшамаслиги билан ажралиб турадиган кўҳна анъаналар барча фольклор композицияларида сақланиб қолган.

Ансамблимиз мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ва дўстлик ришталари мустаҳкамланишига ўзининг камтарона ҳиссасини бажонидил қўшиб келмоқда. Биз бундан кейин ҳам япон томошабинларини дўст ўзбек халқининг бой маданияти билан таништиришга йўналтирилган турли тадбирларда иштирок этиш ниятидамиз.

**«Жаҳон» АА**
Токио



# ИСТЕЪДОД ВА ИЗЛАНИШ ЭЪТИРОФИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ёшлик баҳори» опера хонандаларининг республика фестивали, «Competizione dell'Opera» халқаро танлови, «Она юрт оҳанглари» ёш мусиқа ижрочиларининг танлови Ўзбекистон санъати равнақ топиб бораётганини яна бир карра намоён этиб, мусиқа ихлосмандларида катта таассурот уйғотди. «Камалак юлдузлари», «Юрт келажаги» сингари ижодий лойиҳалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги истеъдодли ёшларнинг ижоди билан яқиндан танишиш, уларнинг орзуларига қанот бағишлаш, фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда алоҳида аҳамият касб этди. Юртимизнинг кўплаб иқтидорли ёшлари нуфузли халқаро мусиқа танловларида совринли ўринларни қўлга киритди.

2014 йил юртимиз спортида ҳам ёрқин воқеаларга бой бўлди. Айниқса, Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари, Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқлар юртимизда спорт жадал равнақ топаётганини яна бир карра бутун жаҳонга намойиш этди.

– Мамлакатимизда инсон манфаатларига устувор аҳамият қаратиш, фан, таълим, маданият ва санъат, бадиий ижод, спорт соҳаларининг гуллаб-яшнаши йўлида яратилган чексиз имконият ва шароитлар биз, ижодкорларни янада самарали фаолият кўрсатишга чорлайди, – дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актёри, «Эътироф – 2014» миллий мукофотининг «Йилнинг энг яхши театр актёри» номинацияси ғолиби Умирбай Қосимбетов. – Маданият ва санъат, илму маърифат аҳлига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва эътироф юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, истиқлол неъматларини кўз қорачиғидек ардоқлаш, ёш авлод тарбияси, маънавиятини юксалтириш, уларнинг диди ва тафаккурини тўғри шакллантиришдаги масъулиятни астойдил ҳис этишга руҳлантиради.

Тадбирда турли номинациялар бўйича ғолибларга диплом, статуэтка ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

**(ЎзА)**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат**

*Яккасарой тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 97-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 355-сон, 2-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7 сон, 353-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 355-сон, 1-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон, 96-модда, 2011 йил 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 26 сентябрдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 129 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1491 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналар ҳамда кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек, олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

2. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.Мухаммедов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Яккасарой туман ҳокимининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 356-сон қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосари Р.Мавланов зиммасига юклансин.

**Яккасарой тумани ҳокими**
**А.Салихов**

*2014 йил 13 ноябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

***Маълумки, ҳар қандай бозор тизими банк, молия, кредит, аудит каби инфратузилмалардан иборат бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали ушбу тизимнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур инфратузилмалар ичида алоҳида ўрин тутадиган биржалар ташкилий уюшган савдонинг энг мукаммал шаклларидан биридир.***

# БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Биржалар орқали ҳар бир субъект кенг миқёсда танлаш ва харид қилиш имкониятига эга бўлади. Биржа савдосини расмийлаштириш биржа битимлари орқали амалга оширилади. Мамлакатимизда бу борада аввало биржалар фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. 2001 йил 29 августда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти шароитида мазкур соҳада ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар биржалар фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни янада такомиллаштиришни талаб этди.

Шунга кўра, 2014 йил 12 сентябрда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда биржалар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши олдинги қонунларга нисбатан анча такомиллаштирилди.

Янги қонун эски таҳрирдаги қонундан фарқли равишда валюта биржасига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги қарори билан тасдиқланган фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатига кўра биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

Янги таҳрирдаги қонунда биржаларнинг бошқарув органлари фаолияти ва ваколатлари кенг ёритилган. Хусусан, биржа акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи биржанинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги қонунда биржа фаолиятига қуйидагича таъриф берилган, биржа товарлари бозорини ташкил этиш ва тартибга солишга ҳамда талаб ва таклиф асосида биржа товарларининг нархларини ушбу бозорда шакллантиришга қаратилган фаолиятдир. Қонунда биржа фаолиятининг асосий принциплари биржа савдоларини ўтказишнинг ошкоралиги ва оммавийлиги, биржа савдоларида нархлар шаклланишининг эркинлиги, биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги, биржанинг барча аъзолари учун биржа савдоларида иштирок этишда шарт-шароитларнинг тенглигидан ташқари эски таҳрирдаги Қонунда қайд этилмаган янги тузилган биржа битимлари бажарилишининг таъминланиши ҳам биржа фаолиятининг асосий принципларига киритилди.

Товар-хом ашё ва фонд биржаларининг фаолиятини тартибга солиш ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ҳамда валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади. Белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги ва сифатдаги товар, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар (деривативлар) биржа товаридир.

Янги таҳрирдаги қонунда ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулкдан ташқари, аввалги қонунларга қайд этилмаган ишлар ва хизматлар, хусусий белгили ашёлар, кўчмас мулкларни биржа товари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Янги таҳрирдаги қонунда биржа аъзолари сифатида эски таҳрирдагидан фарқли равишда биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар ҳисобланиши қайд этилди.

Қонунга кўра, биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси дилер, биржа товарлари нархларининг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилер маркет-мейкердир ҳамда мижознинг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси брокердир. Дилер ва брокер вазифаларини биржанинг битта аъзоси томонидан қўшиб амалга оширилишига йўл қўйилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас, валюта биржаси бундан мустасно. Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) орқали иштирок этади.

Товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат бериш товар ишлаб чиқарувчининг ёки етказиб берувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, товарнинг ушбу Қонуннинг 10-моддаси ва мазкур модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқлигини текшириш, товарнинг ликвидлилигини баҳолаш, товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш орқали амалга оширилади. Ушбу тартиб-таомиллар қимматли қоғозларга татбиқ этилмайди.

Чет эл валютаси ва давлат қимматли қоғозлари биржанинг котировкалаш варағига товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш ва биржа листинги тартиб-таомилисиз киритилади.

Биржа битимлари ҳуқуқий табиатига кўра, бошқа битимлар каби олди-сотди ҳисобланиб, бир тараф иккинчи тарафга муайян товарни мулк қилиб топшириш, иккинчи тараф эса олинган товар учун олдиндан келишилган қийматни тўлаш мажбуриятини оладиган шартномадир.

Қонунга кўра, биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир.

Биржа ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик фаолиятини бевосита амалга ошириши, шунингдек, биржа фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа юридик шахсларнинг муассиси (акциядори) бўлиши, (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг пул маблағларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши (қонун ҳужжатларида ва биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) мумкин эмас.

Шунингдек, биржада биржанинг котировкалаш варағига киритилмаган биржа товарларини муомалага киритишга, биржа аъзоларининг нархларнинг сунъий равишда ўзгартирилишига ёки қатъий қилиб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган келишилган хатти-ҳаракатларига, бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва атайлаб ёлғон маълумотларни тарқатишга, биржа савдолари ўтказилмаган ҳолда биржа аъзолари ўртасида тузилган биржа товарига тааллуқли битимларни биржа томонидан рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

**Камолиддин ЖАВЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси,**
**адлия кичик маслаҳатчиси**

Реклама ўрнида



# «ТОШРАНГМЕТЗАВОД» АЖ ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келаётган 2015 йил—
Кексаларни эъзозлаш йили билан қутлайди.
Қалбингизни ҳеч қачон кўтаринки руҳ тарк этмасин, хотиржамлик,
бахту иқбол ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

ASAKA BANK

"Асака" банк
ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ
жамоаси Сизларни кириб келаётган 2015 йил—
**Кексаларни эъзозлаш йили**
билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

**«ЯНГИ ЙИЛ 2015»**
**Сақланиш муддати – 12 ой, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан (12 ойдан) сўнг тўлаб берилади.**

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: «Асака» банк
Тошкент шаҳар филиали телефонлари:
120-83-86, 120-83-35.

Хизматлар лицензияланган.

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

**1.** Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган М.Улуғбек туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 759 кв.м.

Бошланғич нархи – 906 520 000 сўм.

Балансда сақловчи: М.Улуғбек туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**2.** Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган М.Улуғбек туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 384-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 869 кв.м.

Бошланғич нархи – 956 680 000 сўм.

Балансда сақловчи: М.Улуғбек туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**3.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган Юнусобод туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1018 кв.м.

Бошланғич нархи – 1 237 298 647 сўм.

Балансда сақловчи: Юнусобод туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

— «Объектлар» собиқ мактабгача таълим муассасалари ҳисобланганлиги сабабли, «Харидорлар»га ушбу «Объектлар»ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилади.

**4.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-1 мавзесида жойлашган бино.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони 663 кв.м.

Бошланғич нархи – 819 689 000 сўм.

Балансда сақловчи: Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**5.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (Олимбекова) кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган «Шаҳар электр транспортларига хизмат кўрсатиш шўъбаси» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Бино ва иншоотлар мулкий мажмуаси.

Бошланғич нархи – 2 679 460 000 сўм.

Балансда сақловчи: «Шаҳар электр транспортларига хизмат кўрсатиш шўъбаси» давлат унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 30 январь, 13, 27 февраль, 13, 27 март, 10, 24 апрель, 8, 22 май, 5, 19 июнь ва 3 июль кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали; ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**




Реклама ўрнида




***Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни янада рағбатлантириш, болаларнинг мусиқа, рангтасвир, санъат ва маданият соҳаларидаги ижодий истеъдоди ва қобилиятларини кашф қилиш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.***

**Фестиваллар**

## ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Олмазор туманидаги 25-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Истиқлол ғунчалари» рақс фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши ташаббуси билан туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, туман Маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган кўрик-танловда 200 нафардан ортиқ ёш истеъдод эгалари қатнашди. Фестивалда туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг рақс бўйича 6 дан 15 ёшгача бўлган болажонлари иқтидорларини намоён қилишди.

— Ёшларнинг интеллектуал билимларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш «Камолот» ЁИҲ фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши раиси Диляра Мелдебекова. — Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг санъатга бўлган меҳрини ошириш, миллий санъат анъаналари ва йўналишларини давом эттириш, санъатнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш ва юқори савияга кўтариш, иқтидорли болаларнинг ижодини ривожлантириш, ҳаваскор ва профессионал жамоалар фаолияти самарасини ошириш мақсадида ташкил этилган танлов қатнашчилари маҳоратини малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Юқори савияда ўтган рақс фестивалида учта гуруҳ ҳамда уч нафар яккахон тарзда иштирок этган раққосалар ғолиб бўлдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Спорт**

## ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

***Ўн олти ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон қизлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш мусобақасида баҳрайнликларга қарши кечган иккинчи учрашувда ҳам ғалаба қозонди.***

Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида ўтказилаётган Осиё чемпионати саралаш мусобақасининг «А» гуруҳидаги дастлабки учрашувда Баҳром Норсафаров бошчилигидаги Ўзбекистон қизлар терма жамоаси Баҳрайн қизлар терма жамоасини 17:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. Иккинчи учрашувда терма жамоамиз аъзолари рақибалари дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритиб, ишончли ғалабага эришди.

Осиё чемпионати саралаш мусобақасининг «А» гуруҳида фақат Ўзбекистон ва Баҳрайн қизлар терма жамоалари иштирок этди. Шу тариқа гуруҳда ғолиб бўлган терма жамоамиз келаси йили Хитойда ўтадиган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Касаба уюшмалари фаолиятидан**

## КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

***«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги маданият муассасалари ходимларининг қадимий Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳатлари уюштирилди.***

Саёҳат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги «Касаба-сайёр» шўъба корхонаси томонидан маданият ходимларининг дунёқарашини кенгайтириш, ўтмишда бунёд этилган бебаҳо дурдоналаримиз ва бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида Тошкент–Самарқанд–Тошкент йўналиши бўйича «Афросиёб» тезюрар поездида ташкил этилди.

Маданият ходимлари Самарқанд шаҳрининг тарихий ва муқаддас қадамжоларига ташриф буюришиб, мамлакатимиз тарихи, ўтмишимизнинг бой мероси ҳамда Самарқанд шаҳрининг бугунги кундаги қиёфаси билан яқиндан танишдилар. Саёҳат давомида меҳмонлар мазкур тарихий обидаларни сақлаш ва кейинги авлодга тўлалигича етказиш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилган таъмирлаш ишларига гувоҳ бўлдилар.

Саёҳатчилар бой таассуротларга эга бўлган ҳолда кўтаринки руҳда Тошкент шаҳрига қайтиб келишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи — 9-11 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5605 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5